



# ФАРОВОН ҲАЁТ ВА ЁРУФ КЕЛАЖАГИМИЗ АСОСИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шу маънода, Ватан ободлиги, эл фаровонлиги йўлида фидокорона меҳнат қилаётган одамларни бугун ҳар қадамда учратасиз. Юртдошларимиз руҳиятида шиддат, кўтаринчилик сезилади. Улар билан суҳбатлашиб, дилингиз яйрайди. Қалбингизга нур инеди. Бийдай Қизилқум кенгликларини илон изидек кесиб ўтган равон йўлдан борар эканмиз, устига ўнлаб автомобилларни ортиб, манзил сари интилаётган қудратли машиналар ҳайратимизни оширади. Қамчиқ довонидан ўтаверсак, улкан қурилиш майдонига айланган "Ангрен — Поп" электрлаштирилган темир йўл линияси ва халқаро автомагистралда туну кун меҳнат қилаётган замонашларимиз бунёдкорлигига гувоҳ бўлиб, қалбимиз гурурга тўлади.

— Йил, ҳақиқатан ҳам, баракали келди, — дейди қорақалпоғистонлик Кенесбой ога Каримов. — Бу юртимизнинг жаннатга менгзалишига бир мисол. Худди табиатдаги каби одамлар кайфиятидаги жўшқинлик ҳам ўз мевасини бераётган. Ўзингиз бир ўйланг, бундан атиги ўн беш йил илгари келажакда Устюрт кенгликлариде минглаб одамлар ишлайдиган йирик завод қурилади, замонавий шаҳар бунёд этилиб, унинг сўлим хиёбонларини ёш-яланглару болаларнинг шодон ҳайқиряклири тўлдирди, деса, бироқ ишонармиди?! Туманларимизни, қишлоқларимизни бир айланб кўринг, янгидан қурилаётган мактабу коллежлар, тиббиёт муассасалари, маданий-маиший иншоотлар кўзи қувнатади. Биласиз, бизнинг худудда қиш совуқ, ёз жазирема келади. "Ота-бобомиз шунақа яшаган-да", деб ўша шароитга кўникиб кетган кишилар қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган тураржойлар, уларда яратилган шароитларни кўриб, руҳланиб кетишди. Ҳозир қайси уйга кирманг, улар ўзимизда

ишлаб чиқарилган замонавий совиткичлар, музлаткичлар, телевизорлар билан жиҳозланган. Ҳар бирида янги автоулов... Булар ўз-ўзидан бўлди, деб ўйлайсизми? Ахир кечагина битта машина олиш учун идорама-идора югуравериш умрингиз ўтиб кетарди. Биргина рангли телевизорли бўлиш бутун оиланинг ушалмас орсуси эди. Фарзандларим, невараларимга айтаманки, бу файзу бараканинг негизи — мустақиллигимиз! Унинг қадрига эса етишимиз керак.

Кенесбой оганинг гаплари тўғри. Ҳар худуднинг ўзига хос тараққиёт йўналиши, илгор тарафи бор. Юрт беповен, бунёдкорлик ишлари эса барча худудда давом этмоқда.

Масалан, Эллиқалъада завқли бир ҳолатга дуч келасиз: худудда жойлашган қадимий манзилгоҳ сари отланаркансиз, йўл четида тикланган қатор ўтовларга кўзингиз ташади. Уларнинг шундоқ биқиндида кўкка буй чўзган қўхна Тупроқалъа атрофида эса хорижлик сайёҳлар ҳайрат билан кезинади. Ўтовда иссиқ ва совуқ сув, чўмилиш хонаси — ҳаммаси муҳайб, совиткич ёриллаб ишлаб турибди, бироқ... Теварақда биронта симёғом кўринмайди.

— Куёш батареялари ўрнатганимиз, — деб изоҳлайди ўтов эгаси. — Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланиш учун шу ўтов-меҳмонхона лойиҳасини амалга оширишга келганда, мана шу кўриб турганингиз куёш батареяларига тўхтадик. У пойтахтимизда ишлаб чиқариларкан. Олиб келиб ўрнатдик. Ишимиз юришиб кетди. Қаранг, ўтов асли қадим замонларнинг ёдгори, бироқ унинг ичида замонавий шарт-шароит бор.

Албатта, мамлакатимизда ишбилармонлик ва тадбиркорлик учун яратилган қўлай муҳит одамларнинг орзу-умидларига қанот бағишламоқда. Эндиликда "Ўз шахсий бизнесини очман", деган киши учун ҳеч қандай тўсиқ йўқ. Ҳозир киши-

лоқларимизда ҳам шундай иморатлар қурилмоқдаки, кўриб ҳавасингиз келади.

Қизилтепа — Навоий вилоятининг узок туманларидан бири. Бу ерда энг зўр тўйхоналардан асло қолишмайдиган муҳташам қошона қад ростлабди.

— Халққа хизмат қилсин, — дейди уни қурган тадбиркор йигит. — Ҳамма ҳисоб-китобларни қилиб кўргач, банкдан кредит олдиғу ишни бошладик. Авваллари одамлар тўймаросимларини ўз ховли-жойлариде ўтказишарди. Қорли-қировли кунларда бунинг ўзига яраша қийинчиликлар бўларди. Кишиларимиз катта шаҳарлардаги шинама тўйхоналарга ҳавас қилишса-да, "Ҳа, энди, бизники қишлоқликда", деб кўяқолишарди. Мана, бўлар экан-ку! Бу қўлайлик барчага ёқиб тушди, ҳозир тўйхонамиз йил охиригача банд.

Халқнинг турмуш тарзигина эмас, дунёқараши ҳам ўзгарганини кўрсатадиган шу сингари иншоотлар ҳамма жойда бор. Бир томонда шодага тизилган маржондек кўзни яшнатувчи намунавий лойиҳадаги тураржойлар, бошқа томонда эса кўркам коллеж ва академик лицейлар, спорт мажмуалари, янги маиший иншоотлар кўкка буй чўзган. Одамлардаги кўтаринчи рух, келажакка ишонч ҳаммани жипслашишга, истиқбол учун интилишга ундаётган.

— Мустақиллик буюк неъмат эканини халқимиз тобора чуқурроқ тушуниб етаяпти, — дейди фарғоналик Ойдин Темирова. — Истиқлолимизнинг илк йилларида бошланган ислохотлар бугун ўз натижасини бермоқда. Бу ўзгаришу янги-янгиланишлар одамлар руҳиятига кўтаринчилик бағишлаб, бунёдкорлиғу яратувчанликка чебраётган. Гоҳида хаёлимдан "Бу бевисоб маблағлар, вақт, куч-қувват нима учун сарфланапти? Турмушимиздаги замонавий шароитлар қўлайликлар, ети ухлаб тушимизга кирма-

ган бунёдкорлик ишлари ўз-ўзидан бўлиб қолаётганими? Буларнинг барчаси — Президентимиз томонидан узокни қўлаб олиб борилаётган оқилона сиёсат меваси. Шу ҳақда мулоҳаза юритганда, яратилган имкониятлардан фойдаланиш билан бирга, истиқлол берган неъматларнинг қадрига етишимиз, уни асраб-авайлашимиз керак эмасми?!" деган ўйлар ўтади. Шукр, бугун жуда кўпчилик завқу шавқ билан яшамоқда. Айниқса, фарзандларимиз Ватан ва мустақиллик ҳақида шунчалар жўшиб гапиришадими, беихтиёр тўлқинланиб кетасан.

Ёш олим, генетик Иброҳимжон Абдурахмонов ҳам истиқлолимиз боғида очилган булоқлардан бири.

— Менинг бахтим мустақиллик билан бевосита боғлиқ, — дейди у. — Бу буюк неъмат Наманганнинг олис Гова қишлоғидаги илмга чанқоқ оддий бир болани олимга айналтирди. Қаранг, истиқлолимизнинг илк йилларида мен генетика илмига қизиққан ёшгина йигитча эдим. Ўзбекистонда бу таълимнинг ривожланишини орзу қилардим. Шукрки, фан-таълим соҳасидаги ислохотлар боис шуғулланишимиз учун барча шарт-шароит яратиб берилди, янги кашфиётларга йўл очилди. Бугун ёшларга кўрсатилаётган юксак эътибор замирида "Ҳаракат қилинг, ўқинг, ўрганинг, эл-юртга сизнинг билимингиз, истеъдодингиз, қобилиятингиз даркор. Келажак сизнинг қўлингизда", деган чорлов бордек, назаримда.

Шундай. Қобилият, истеъдод, яратувчанлик, дунёнинг энг ривожланган мамлакатлари билан тенг одим ташлаш... Шундай улуг ва муқаддас мақсадларнинг рўёбга чиқиши учун ҳамма шароит муҳайб этилган. Энди гап ана шу имкониятларга муносиб бўлишда.

**Исажон СУЛТОНОВ,**  
Ўзбекистон Республикасида  
хизмат кўрсатган моданий  
ходими.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ҳарбий хизматчилар салоҳияти ва профессионал тайёргарлигини юксалтириш, армиямизни замонавий кураш-яроғ, техника воситалари билан таъминлаш юзасидан олиб борилаётган чора-тадбирлар сарҳадларимиз дахлсизлигини мустақамлашга хизмат қилмоқда.

Шу билан бир қаторда, республикамизда ҳарбий



## Юрт посбонларига янги уйлар



хизматчиларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масаласи доимий эътиборда. Замонавий ҳарбий шахарчалар барпо этиш ва реконструкция қилиш, ушбу объектларда энг юксак талаблар ҳамда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилалари эҳтиёжларига жавоб берадиган қўлай ижтимоий-маиший шароит яратиш бўйича ҳаётга татбиқ этилган давлат дастурлари асосида 2015 йили ҳам қўллаб осовишталлик посбонлари кўркам уй-жойларга эга бўлган эди. Бу эзгу аънава жорий йилда ҳам изчил давом эттирилмоқда.

Ширин шаҳрида қад ростлаган 70 хонадондан иборат уйларнинг қалитларини Тошкент ҳарбий округи қўшинлари қўмондо-

ни, полковник Л. Бузруклов ўз эгаларига топширди.

— Ун уч йилдан буён Куролли Кучларимиз сафида шартнома асосида хизмат қилиб келаяпман, — дейди сержант Дониёржон Пўлатов. — Мамнуният билан айта оламани, давлатимиз томонидан биз, ҳарбий хизматчиларга кўрсатилаётган юксак эътиборни хамиша ҳис қиламиз ва ундан баҳрамандимиз. Мана, бугун оиламизга уч хонали уй ажратилди. Бундан барчамиз жуда қувондик. Ўз навбатида, шахарчамизда ҳарбий хизматчиларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишларига алоҳида аҳамият қаратилган. Хусусан, яқинда барча зарур инвентарлар билан

қилиб олдик. Айни чоғда кўркам бунёдкорлик дурдонаси Мустақиллигимизнинг йиғирма беш йиллиги арафасида, қолaversа, Соғлом она ва бола йилида топширилгани биз, оналарга ҳам бебаҳо совға бўлди. Хоналардаги шарт-шароит уй бекалари орзусидагидек муҳайб этилган. Ошхона ҳамда айвони эса кенг. Иссиқ ва совуқ сув таъминоти узлуксиз. Ҳуллас, бахтиёр ҳамда фаровон турмуш кечиршимиз учун ҳамма нарса мавжуд.

Санъаткорлар ижросидаги концерт тадбирига янада фойиз ва тўтаринчилик бағишлади.

**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**  
«Халқ сўзи» муҳбири.  
Муаллиф олган суратлар.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Хусусан, спортчи-ёшларнинг 300 га яқини жаҳон, Осиё ва мамлакат чемпионлариридир. Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган истеъдодли қизлар сони 17 нафарга етган бўлса, санъат йўналишидаги изланишлари ва ёрқин ижоди билан кўзга кўринган 10 га яқин иқтидор соҳиби "Нихол" мукофотини кўлга киритди.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида биргина ўтган йилнинг ўзида олиқ уюв юртлирида шартнома асосида тахсил олаётган тала-

## Маррани баланд олаётган авлод

баларга 8 миллиард сўмликдан зиёд таълим кредити, ёш оилаларга эса 21 миллиард сўмликдан ортиқ ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилди. Улар учун янги иш ўринларини яратиш, ўрта махус, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштиришга энг муҳим ва устувор вазифа сифатида қаралмоқда.

Уч кун давом этган фестивал дастурига мувофиқ, Ангрен, Бекобод, Чирчиқ шаҳарлари қаторида Бўжа, Бўстонлик, Чиноз, Янгийўл, Паркент, Қуйи Чирчиқ, Пискент каби туманларда ўтказилган 18 лойиҳа эртаимиз давомчиларида унутилмас таассуротлар қолдирди. Айниқса, "Президент асарлари билимдонини", "Сиз севган қаҳрамонлар", "Одам савдоси — давр муаммоси", "Диний экстремизм ва терроризм — ёшлар келажакига таҳдид", "Оммавий маданияти" ва ёшлар маънавияти", "Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!", "Видеонли сотувчи", "Нуронийлар эъзозимизда", "Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин!", "Қамолот" кутубхонаси" каби лойиҳалар, "Мустақиллик фарзандлари" шиори остида ҳар бир туман ва шаҳарда уюштирилган гала-концертлар ҳаяжонли лаҳзаларга бой бўлди.

— Юртбошимизнинг биз, ёшларга қарата "Маррани хамиша баланд олиб, билимга, изланиш ва ўрганишга интилиб яшанг, ҳеч қачон бўш келманг, азиз болаларим!" деган сўзлари менга куч-қувват бағишлайди, — дейди бокс бўйича Осиё чемпиони, бўстонликлик Элнур Абдурамонов. — Жаҳон ареналарида қўлим баланд келаятганининг боиси шунда. Ҳозир ёзги Олимпиадага қизим тайёргарлик қўраяпман. Насиб бўлса, албатта, ғолиблар сафидан жой олам!

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, фестивал тадбирларида вилоятдаги иқтидорли ёшларнинг интилиш ва ташаббусларига алоҳида баҳо берилди. Уч кун мобайнида уларнинг 400 нафардан зиёди ташкилотчиларнинг фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари, шунингдек, тижорат банкларининг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлари билан тақдирлангани бунинг тасдиғидир.

Олмалик шаҳридаги "Металлург" марказий стадионда форумнинг якуний гала-концерти ўтказилди.

Тадбирда Тошкент вилояти ҳокими С. Абдуллаев сўзга чиқди.

**Ҳайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ.**

## Қонун ижросини таъминлаш масъулияти

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Иштирокчилар мазкур йўналишларда айрим норматив ҳужжатлар қабул қилингани, баъзилари бўйича экспертлар гуруҳи иш олиб бораётганини қайд этдилар.

— 2013 — 2020 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантиришнинг комплекс дастурига мувофиқ ҳаётга жорий қилинадиган "Электрон ҳукумат тўрисида"ги Қонун мамлакатимизда АКТ соҳасининг барқарор ривожини, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очик-ошкоралигини, уларнинг аҳоли барча қатлами билан ўзаро муносабатларида шаффофликни таъминлашда муҳим ўрин тутад-

ди, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Расул Қушербоев. — Жисмоний ҳамда юридик шахсларга ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш йўли билан кўрсатиладиган давлат хизматлари, шунингдек, идоралару электрон ҳамкорликнинг такомиллашуви демократик ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида айти зарурат ҳисобланади.

Давра суҳбатда янги Қонунни амалиётга татбиқ этиш доирасида қабул қилинган электрон давлат хизматларини баҳолаш методикасига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу методика "Электрон ҳукумат" тизими-

нинг асосий принципларидан бири бўлган электрон давлат хизматлари кўрсатиш тартибини мунтазам такомиллаштириб бориш, фуқароларнинг электрон давлат хизматларидан фойдаланишини баҳолаш жараёни ва механизмини белгилаб беради.

Муҳокама якунида электрон ҳукумат соҳасига тааллуқли қонунности ҳужжатларининг ўз вақтида ҳамда сифатли ишлаб чиқиши ва амалиётга йўналтирилишини доимий мониторинг қилиш, шунингдек, парламент қуйи палатаси тегишли қўмита йиғилишларида тизимли равишда кўриб бориш мақсада мувофиқлиги айтиб ўтилди.

**Фарида МАҲҚАМОВА,**  
«Халқ сўзи» муҳбири.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Лизинг берувчилар уюшмаси вакили Шухрат Расулжоннинг айтишича, бугунги кунда республикамизда 40 та лизинг компанияси мавжуд. Ўтган йили 90 та ташкилот, хусусан, 24 банк томонидан лизинг хизматлари кўрсатилиб, лизинг операцияларининг умумий портфели 2,45 триллион сўмини ташкил этди.

— Биз кўп йиллардан буён бизнесни барча турдаги хавфлардан қайта суғурталаш билан шуғулланиб келаяпмиз, — дейди Германиянинг "Hannover" компанияси суғуртачиси Йоханн Фукс. — Шу маънода айтиш мумкинки, Ўзбекистон суғурта бозори жадал ривожланмоқда. Бугунги йирик анжуман эса жаҳон мамлакатлари экспортлари ҳамда соҳа мута-

5 ИЮНЬ — ЖАҲОН АТРОФ-МУҲИТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ КУНИ

# ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК — ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

*Она табиатга оқилона муносабатда бўлиш, наботот ва ҳайвонот оламини асраб-авайлаш, келажак авлодга табиат бойликларини бус-бутун етказиш, глобал экологик инқироз асоратларининг олдини олиш бугун инсоният олдига ўта долзарб вазифаларни қўймоқда.*



Ҳар йили дунёнинг қатор давлатларида 5 июнь — Жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни сифатида кенг нишонлиштирилади ҳам дунё ҳамжамияти диққатини экологик муаммоларга қаратиш, инсонларни табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлишга ундаш мақсадлари мужассамдир.

Сана муносабати билан юртимизда ҳам қатор тадбирлар, кўрик-танловлар, ободонлаштириш ақциялари ўтказиш аънаъга айланган. Халқимизнинг энг улуг, энг азиз байрами — мустақиллигимизнинг йиғирма беш йиллигини нишонлашга тайёргарлик қўрилаётган айти чоғда ушбу кунга бағишланган тадбирлар янада ўзгача шукҳу касб этмоқда.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон тарихан қисқа даврда, асосан, пахта хом ашёси етказиб беришга мослашган, иқтисодийти бир ёқлама ривожланган қолоқ республикасида замонавий санаят тармоғига эга бўлган, жадал суръатлар билан равнақ топаётган давлатлар қаторидан муносиб ўрин

эгаллади. Чунонки, мамлакат иқтисодиёти 5,5 баробардан кўпроқ ўсди. Аҳолининг реал даромади жон бошига 9 баробар ошди. Биз учун мулоқо янги бўлган автомобилсозлик, нефть ва газ қимёси, нефть-газ машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари санаяти, темир йўл машинасозлиги, маиший электротехника, фармацевтика, юқори технологияларга асосланган озиқ-овқат, тўқимачилик санаяти каби соҳа ва тармоқлар ривожлантирилди.

Халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилаётган ушбу ютуқлар тараққиётнинг миллий модели асосида олиб борилаётган кенг ўламли ислохотларнинг ёрқин натижасидир. Шунинг баробарида, мустақиллик йилларида юртимизда барча баҳба қаторида, атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш, экологик муаммоларни бартараф этиш бора-бора салмоқли тажриба тўпландики, бу табиий экотизимлар ва атроф-муҳитни асраш, табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойда-

ланиш ҳамда уларни қайта тиклаш чора-тадбирларида яққол намоён бўлмоқда.

Мустақиллик шарофати билан бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида экологик барқарорликни кафолатлаш механизмлари самарали татбиқ этилди. Соҳага оид ўттизга яқин қонун ва 150 га яқин қонунности ҳужжатлари қабул қилинди. Шунингдек, Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва бошқа нуфузли халқаро тузилмалар билан атроф-муҳитни муҳофаза этиш соҳасида фаол ҳамкорликни йўлга қўйди. Жумладан, Ўзбекистон Рио декларациясини имзолади. Иқлим ўзгаришлари тўғрисидаги Халли конвенциясига доир Киото протоколи, Чўлланишга қарши кураш бўйича БМТ конвенцияси, Биологик ранг-баранглик тўғрисидаги Конвенция, Базель, Бонн ва Рамсар конвенциялари, Умумжаҳон маданий ва табиий меросини муҳофаза қилиш тўғрисидаги Конвенция сингари экологик

йўналишдаги қўллаб халқаро шартномаларга қўшилди. Мазкур конвенцияларда оқлатилган мажбуриятларни бажариш юзасидан салмоқли натижаларга эришилди. Инсон саломатлигига хавфлилик даражаси юқори бўлган худудларда атроф-муҳит ҳолати яхшиланиб, экотизим барқарорлашди. Бундан ташқари, Оролбўйи минтақасида экологик вазиятнинг соғломлаштириш ишлари самарали амалга оширилмоқда. Атмосферага флослантурувчи чиқиндиларни чиқариш, захарли оқова сувлар бир неча баробар камайди. Пахта ўрнига бошоқли, дуккакли, сабзавот, полиз ва картошка экинлари майдони миқдори ошди. Миллий қўриқхона, боғ, буюртма қўриқхона ва экологик марказлар фаолияти ривожлантирилди.

Бугунги кунда мамлакатимизда атроф-муҳит муҳофазасига, мавжуд экологик муаммолар ечимини топишга жамоатчиликнинг кенг ҳалб этилаётган алоҳида эътирофга лойиқ, Хусусан, Ўзбекистон экологик ҳаракати табиат муҳофазасини янада яхшилаш, унинг ресурсларида тўғри фойдаланишга йўналтирилган ислохотларни чуқурлаштиришга жамиятнинг барча сая-ҳаракатларини йўналтиришга интилмоқда. Мазкур ҳаракат айти йўналишда фаолият юритаётган 200 дан зиёд нодавлат нотижорат таши-

лотларини жипслаштирган. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон экологик ҳаракати депутатлар гуруҳи аъзолари қуйи палатадаги барча қўмиталар таркибидан ўрин олиб, қонун ижодкорлиги ҳамда назорат-таҳлил фаолиятини амалга оширмоқда. Улар томонидан қонунчилик ташаббускорлиги асосида Ўзбекистон Республикасининг табиий ресурсларини асраб-авайлашга йўналтирилган бир қатор қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш устида иш олиб борилаётган.

Умуман олганда, аҳоли соғлом ва муносиб ҳаёт кечирishiнинг муҳим омилли — экологик барқарорликни кафолатлаш, табиий ресурсларнинг барча мажмуини муҳофаза қилиш ҳамда улардан оқилона фойдаланишни сўзсиз таъминлашга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш доимий устуворлик касб этмоқда. Зеро, дунёда экологик барқарорлик нанки табиат, балки инсониятнинг ҳаёт-мамат масаласига айланиб бораётган айти пайтда атроф-муҳит муҳофазасини яхшилашга долзарб вазифа сифатида қараш, келажак авлодларимиз тақдирини учун ҳам масъул эканлигимиз унутмаслик даркор.

**Абдурахим ҚУРБОНОВ,**  
**Қувондиқ ЖУМАНИЁЗОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси**  
**Қонунчилик палатаси депутатлари.**

Сурхондарё томонларда

Миллий матолардан замонавий либослар

Шўрчи туманидаги "Сирождин Махсум" хусусий корхонасида тайёрланаётган бежирим кийим-кечаклар ички бозорда тобора харидорлар бўлиб бормоқда.

Яқинда бу ерда атлас ва адас матоларидан ҳам замонавий дизайн асосида либослар тикишга киришилди.

— Дастгоҳларимиз банкнинг 50 миллион сўмлик кредити эвазига хориждан келтирилди, — дейди тadbиркор Тошмурод Мусаев. — Эндиликда ташқи бозорга чиқишни ҳам режалаштиряпмиз. Хусусан, чет эллик ҳамкорларимиз билан тузилган шартномага мувофиқ, жорий йилнинг иккинчи ярмидан эътиборан аёллар ва эркеклар либослари экспортни бошлашимиз.

Бугунги кунда вожадаги "Лола имкон барака", "Ойсоат дизайн", "Файз-барака", "Лочин семурғ само" масъулияти чекланган жамиятлари, "Межроҳ" хусусий корхонаси ҳам ташқи бозорга махсулот сотиш тараддуида.

Фермер корхона очди

Музработ туманидаги "Абдулоқ Анорзор" кўп тармоқли фермер хўжалиги деҳқончилик ва чорвачиликка ихтисослаштирилган.

Яқинда бу ерда ишлаб чиқариш тармоғига ҳам асос солинди. Натижада ғишт заводи фаолияти йўлга қўйилди.

— Ушбу лойиҳани 183 миллион сўмлик даромадимиз ҳисобидан амалга оширдик, — дейди фермер Абдулоқ Абдимўминов. — Хориждан келтирилган технология ҳамда ускуналарнинг иш унуми юқори. Қолаверса, энергия сарфи турдошларига нисбатан кам. Улар ёрдамида соатига 3 минг донагача деворбоқ материаллар сифатли тайёрланапти.

Нормурод ТЕМИРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Турмуш фаровонлигини белгиловчи мезонлар кўп. Аҳоли бандлиги даражаси — шулардан бири. Зеро, муқим иш жойи доимий даромад манбаи, демакдир. Шу боис мамлакатимиздаги кучли ижтимоий ҳимоя тизими, энг аввало, юртдошларимиз учун муносиб меҳнат ўринлари яратилишини кафолатлайди. Қолаверса, мазкур долзарб масала ёшларга оид давлат сиёсатининг муҳим таркибий қисми саналади.

Ҳар йили касб-хунар коллежларини битириб чиқаётган мутахассисларнинг тақдирини, келажаги нафақат давлатимиз, балки бутун жамият эътиборида. Ушбу вазифалар ижросига таълим муассасаларидан ташқари, маҳаллий ҳокимликлар, ташкилот ва идоралар, маҳалла мутасаддилари масъул этиб белгиланган. Қувонарлиси, коллеж ўқувчисининг иш жойи тахсил давридаёқ аниқ бўлапти.



ТўРТ ТОМОНЛАМА ШАРТНОМА

коллеж битирувчилари бандлигини таъминлашга хизмат қилмоқда

Самарқанд вилоятида ҳам бу борада муайян саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2015/2016 ўқув йилида худудимиздаги мавжуд 160 та касб-хунар коллежлари 112 та мутахассис-

роника, қишлоқ хўжалиги махсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат саноати, ахборот технологиялари, энергетика каби соҳалар ҳиссасига тўғри келади. Қолаверса, ушбу муассасаларнинг қабул

ҳассислари томонидан 41 соатлик амалий машғулотлар ўтказилди. Натижада битирувчилар орасидан бизнес билан шуғулланиш истагини билдирган 5234 нафар ўқувчи рўйхати шакллантирилди.

рувчи, сувоқчилик-бўёқчилик юмушлари, кафеъ тегиш, электромонтаж ишлари, сув, газ таъминоти ва канализация тизимларини ўрнатиш, ёғочга ишлов бериш ҳамда мебель ишлаб чиқариш, ламинатдан ме-

монтёр ишлари бўйича Самарқанд маийши хизмат касб-хунар коллежи битирувчилари Хасан Мамадалиев, Шаҳзод Ражабов, Қувончбек Яхшибоевга Самарқанд "Иссиқлик манбаи" АЖ, Самарқанд тумани маийши хизмат касб-хунар коллежи битирувчилари Санобар Аҳмедова, Зарина Раҳматова, Наргиза Раҳматова, Дурдона Ҳақбердиевага "8-март" МЧЖга ишга кириш таклифи билдирилди.

Тадбирнинг якуний қисми Самарқанд педагогика коллежида ўтказилди. Унда "Энг яхши мутахассис" ҳамда "Энг яхши бизнес лойиҳа" танловлари сарҳисоб этилди. Фаол иштирокчилар фахрий ёрлик ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланиб, сертификатларни қўлга киритди. Ўз маҳоратини кўрсатган 105 нафар битирувчи иш берувчилар томонидан меҳнат жамоаларига қабул қилинди.

Бугунги кунда коллежни битириб, жамиятда ўз ўрнини топиш, маълум касб-хунар эгаси бўлиш мумкинлигига ота-оналар ҳам, ёшларнинг ўзлари ҳам қатъий ишонимомқда. Зотан, бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароит ва имконият муҳайё этилган. Шундай экан, ёшларнинг аҳди қатъий, режаси пухта, шашти баланд бўлса, улар, албатта, ўз кўзлаган мақсадларига эришадилар.

Рустам ЮЛДАШЕВ, Самарқанд вилояти ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғи.



лик бўйича 55 мингдан зиёд йигит-қиз тамомлайди. Уларнинг бандлигини таъминлаш мақсадида жорий йилдан эътиборан битирувчилар билан тузилган шартномалар тўрт томонлама этиб белгиланди. Мазкур ҳужжатларнинг бевосита туман, шаҳар ҳокимлари томонидан ҳам имзоланиши иш жойларининг аниқлиги, манзиллигини кафолатлайди.

Дарвоқе, келгуси ўқув йилидан бошлаб касб-хунар таълими даргоҳларидаги мавжуд йўналишлар сони 12 тага кўпайтирилиши кўзда тутилаетир. Бу, асосан, муҳандислик, қурилиш, элект-

режаларига 10 та янги касб ҳамда 22 та ихтисослик ҳам киритилиши мўлжалланган.

Бундан ташқари, битирувчилар орасидан тадбиркорликка иштиёқи баланд йигит-қизларни барқарор корхоналар, хотин-қизлар кўмиталари, Савдо-саноат палатаси, "Бир дарча" марказлари ҳамда банк муассасаларига бириктеришимиз уларнинг ўзи бизнесини ташкил этишида хал қилувчи аҳамиятга эга. Шунингдек, бундай ёшлар учун "Тадбиркорлик мактаби" очилиб, банк, молия, солиқ тизими ва савдо-саноат палатаси мута-

Жорий йилда вилоят ҳокимлиги, вилоят прокуратураси ташаббуси билан ўтказилган "Касб-маҳорати", "Энг яхши мутахассис" ва "Энг яхши бизнес лойиҳа" аънавий кўрик-танловларида кичик мутахассисларнинг ўз касб маҳоратини тўла-тўқис намоиш этишлари учун имкониятлар яратилиб берилди. Ушбу тадбирларда 39 та йўналиш бўйича 13819 нафар битирувчи қатнашиб, уларнинг 12074 нафари билан 972 та корхона ҳамда ташкилот ўртасида тўрт томонлама шартномалар имзоланди. 100 нафар бизнес лойиҳа муаллифига эса банкдан имтиёзли кредитлар ажратилиши кафолатланди.



Бахтиёр МУСТАНОВ олган суратлар.

Жумладан, "Энг яхши бизнес лойиҳа" танловида 19 та соҳа бўйича ҳужжатлар тақдим қилинди. Шу ернинг ўзида 17 та тижорат банки томонидан 100 та бизнес лойиҳага кредитлар ажратилиши тўғрисида сертификатлар берилди. Тадбирда, шунингдек, ғишт те-

бель ва паркет пол ясаш, дурадгорлик каби қатор касблар бўйича 2867 нафар битирувчи иштирок этди. Жомбой тадбиркорлик касб-хунар коллежи битирувчиси Достон Қобилов 1 кв.м. девор ва полга 30 дақиқа ичида кафелларни сифатли териб кўрсатди. Электро-

ЖАХЖ 24 СОАТ ИЧИДА

Испанияда ишсизлар сони ўтган йил августда қайд этилган энг паст даражага тушди. Аини пайтда уларнинг сони 4 миллиондан камроқ.

Мавсумий иш ўринлари

Гап шундаки, май ойида иш қидириб юрганларнинг 120 минг нафари бандлиги таъминланган. Лекин мутахассисларнинг айтишича, бу вақтинчалик ижобий ҳолатдир. Сабаби, аини пайтда Пиренейда ёзги сайёҳлик мавсуми. У эса узоқ давом этмайди.

Фарбий Европада сув тошқинлари

Фарбий Европа, жумладан, Германия ва Францияда кучли сув тошқинлари рўй берди. Бунга Сена дарёси сатҳи охириги 30 йилда энг баланд даражага кўтарилгани сабаб бўлди.

Оқибатда Франциядаги Немур шаҳарчасида яшовчи 3000 киши хавфсиз жойларга кўчирилди. Қутқарув ишларига 50 нафар ғаввос, 25 та катер ва 6 та вертолёт жалб этилган. Париждаги Аустерлиц вокзалини сув босган. Германия жанубидаги Ба-

вария худудида эса табиий офат туфайли беш киши ҳаётдан кўз юмган, шунингдек, бедарак йўқолганлар бор. Қурбонлар сони ортиши мумкин. Ҳукумат ҳодисадан азият чеккан оилаларга компенсация тўланишини маълум қилди.

100 километр учун 4 сония

Буюк Британиянинг автомобил ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Bentley" компанияси томонидан навбатдаги тўртта янги модель намойиш этилди.

Уларга қудратли двигателлар ўрнатилган бўлиб, барчаси 331 километр/соат тезликда ҳаракатлана олади. Масалан, "GT Speed" автоуловига 6 литр ҳажмли двигател қўйилган. Унинг қуввати 642 оқ кучига тенг. Юз километр тезликка чиқиши учун тўрт сония кифоя қилади.



Ҳайдовчисиз ҳаракатланади

Япониянинг "Honda" автокорпорацияси томонидан ҳайдовчисиз ҳаракатланадиган транспорт воситаси тақдим қилинди.

Аини пайтда Калифорнияда синовдан ўтказилаётган инновация ўзи автоматик тарзда жойидан кўзғалиб, тезлик олади, тўхтайтиди,

қоидаларга риоя этади. Масалан, йўловчиларга йўл беради. Бу каби "ке-лажак машиналари" 2020 йилдан бошлаб сотувга чиқарилиши мумкин.

Миллари йўқ соат

Франциянинг "Louis Vuitton" модалар уйи томонидан миллари йўқ циферблат яратилди. Мазкур қурилмада митти денгиз байроқларига кўзингиз тушади.

Айнан улар соатни кўрсатиб турса, дақиқаларни спидометрдан билиб олиш мумкин. Янги намуналар пушти ва оқ тилладан ишланган бўлиб, тасмаси тимсоҳ терисидан ясалган. Унинг ҳаракатланиш қуввати 42 соатга тенг.



Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ЭЪЛОНЛАР

**«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**  
**Сирдарё вилояти филиали**  
 бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Гулистон шаҳар СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2015 йил 12 октябрдаги 12-1505/0360-сонли ва 2015 йил 23 октябрдаги 12-1501/11014-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «2535-сонли автожамланма» МЧЖга тегишли, Мирзаобод тумани, Пиллакор қўргони, Тошкент кўчаси, 12-уйда жойлашган қуйидаги кўчмас мулклар бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда:

- 0003-литердаги омборхона биноси.
- Бошланғич баҳоси — 403 446 497 сўм.
- 0008-литердаги устахона биноси.
- Бошланғич баҳоси — 591 050 649 сўм.

2. Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 14 февралдаги 12-1111/921 (27.1)-сонли ва 2012 йил 6 сентябрдаги 12-1206/3664 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сирдарё тумани «Малик уруғчилик чигит» МЧЖдан қарзини ундириш

эвазига хатланган, Сирдарё тумани, «Малик» СИУ худудида жойлашган, 27 та кўчмас мулкдан иборат бино-иншоотлар мулкий мажмуа сифатида, бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 1 872 998 636 сўм.**

3. Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2013 йил 18 апрелдаги 12-1306/2055-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Янги ҳаёт» СИУ худудида жойлашган, «Дони» хусусий фирмасига тегишли бўлган, умумий майдони 1139,0 кв.м. дан иборат бино-иншоотлар бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 434 400 683 сўм.**

4. Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2012 йил 23 ноябрдаги 12-1207/15633-сонли ижро варақаси ва 2013 йил 31 январдаги 12-1306/1028 (27.1)-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Сирдарё тумани, «Ўзбекистон» СИУ худудида жойлашган, умумий майдони 6,0 гектардан иборат, «Файз — 2003 йил» МЧЖга тегишли бўлган чорвачилик фермаси бино-иншоотлари бошланғич баҳоси арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 381 258 323 сўм.**

5. Аукцион савдосига Сирдарё тумани СИБ томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар Яккасарой тумани

судининг 2015 йил 11 декабрдаги 1-304-15-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сирдарё шаҳри, «Ширин» ШФЙ, Гулистон кўчасида жойлашган, «Соҳил соҳибкор барака» МЧЖга тегишли, фойдаланиш майдони 2871,85 кв.м. бўлган чўмилиш ва соғломлаштириш маскани қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 402 711 803 сўм.**

Аукцион савдосига 2016 йил 20 июнь кунли соат 11.00 да Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси мажлислар залида бўлиб ўтади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2016 йил 17 июнь кунли соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман (шаҳар) суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ҳамда санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг АТ «Асака» банки Сирдарё филиалидаги куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

Манзил: Гулистон шаҳри, Ўзбекистон шoҳкўчаси, 3-уй, 3-қават, 58-хона.  
 Телефон: (0-367) 226-38-91. www.1kms.uz  
 Хизматлар лицензияланган.

**Тошкент вилояти «Сувоқова» ДУК**  
 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 6 мартдаги ПҚ 2313-сонли «2015 — 2019 йилларда муҳандислик-коммуникация ва йўл-транспорт инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш дастури тўғрисида»ги қарорига биноан, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги томонидан Тошкент вилоятининг Қибрай, Чиноз, Зангиота ва Янгийўл туманлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш иншоотларини реконструкция қилиш юмушлари Осиё тараққийёт банки инвестиция маблағларининг жалб этилиши билан амалга оширилаётганини маълум қилади.

Мазкур лойиҳа бўйича экологик ва ижтимоий масалаларни муҳокама этиш мақсадида жамоа эшитувлари ўтказилиши режалаштирилмоқда. Ушбу жамоа эшитувларида «Тошкент вилоятининг Қибрай, Чиноз, Зангиота ва Янгийўл туманлари аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш иншоотларини реконструкция қилиш» лойиҳасининг атроф-муҳитга таъсирини баҳолаш натижалари тақдим этилади.

**Тошкент вилояти «Сувоқова» ДУК жамоа эшитувлари қуйидаги манзилларда бўлиб ўтади:**

- Қибрай тумани аҳолиси учун — Қибрай тумани ҳокимияти биносига 8 июнь кунли соат 10.00 да.
- Зангиота тумани аҳолиси учун — Зангиота тумани ҳокимияти биносига 9 июнь кунли соат 10.00 да.
- Янгийўл тумани аҳолиси учун — Янгийўл тумани ҳокимияти биносига 11 июнь кунли соат 10.00 да.
- Чиноз тумани аҳолиси учун — Чиноз тумани ҳокимияти биносига 10 июнь кунли соат 10.00 да.

**Мулоқот учун шахслар: Тоҳир Муҳаммадиев, телефон: (+99894) 408-27-35, Сергей Ким, телефон: (+99890) 352-22-29.**

**«ХАЛҚ СЎЗИ»га**  
**ЭЪЛОНЛАР**  
 КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.  
 9.00 дан 18.00 гача  
**232-11-15, 236-09-25.**  
 E-mail: reklama@xs.uz

**«KO'P TARMOQI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ**  
 бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Тошкент шаҳар Учтепа тумани СИБ томонидан ФИБ Тошкент шаҳар Учтепа туманларо судининг 2016 йил 18 апрелдаги 1-2207/16-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Қизил Шарқ мавзеси, 26-уйда жойлашган, умумий майдони 65,80 кв.м., тураржой майдони 41,73 кв.м. бўлган, 3 та хонадан иборат 34-хонадан қўйилмоқда.

**Бошланғич баҳоси — 125 000 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2016 йил 7 июль кунли соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хонада бўлиб ўтади.

Ушбу савдога қатнашиш истагиди талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «Ko'p tarmoqi

ko'chmas mulk savdo» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104931635001, МФО: 00425, СТИР: 207128747, ОКОНХ: 83400.

Аукцион савдосига қўйилган кўчмас мулк билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатлар иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади ҳамда аукцион савдоси ўтказилишига бир иш кунли қолганда соат 17.00 да тўхтатилади.

**Мурожаат учун манзил Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар (0-371) 249-54-59, 249-56-61.**  
 Хизматлар лицензияланган.

Спорт



«ТЕЗРОҚ, БАЛАНДРОҚ, КУЧЛИРОҚ!»

Бу нафақат Олимпия ўйинлари, балки унда иштирок этадиганлар ва умуман, спорт оламининг бош шиоридир.



Жорий йил — Олимпиада мусобақалари йили. Шу боис айна кунларда унга дунёнинг деярли барча давлати спортчилари қизгин тайёргарлик кўрапти. Улар орасида Ўзбекистон вакиллари ҳам бор. Шуниси эътиборлики, ҳамюртларимиз навбатдаги беллашувларда қатор спорт турлари бўйича етакчилар сифатида тилга олинаётгани ҳаммаимизга гурур бағишлайди. Бу эса, ҳеч шубҳасиз, юртимиз ёшларининг шижоати, матонати, ғалабага бўлган иштиёқи ва албатта, ёрқин натижалари жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинаётганининг тасдиғидир. Кеча Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган «Олимпия кўни» спорт байрамида йиғилганларнинг юз-кўзида ана шу кўтаринкилик яна бир бор ёрқин акс этди. Таъкидлаш жоизки, мазкур тадбир дунёда энг кенг нишонланган спорт форумларидан биридир. Унинг доирасида Халқаро олимпия қўмитасига аъзо 206 давлат фуқаролари қатнашди. Бундан қўзланган мақсад аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзи ҳамда олимпизм ғояларини кенг тарғиб этиш, катта кичик қалбда жисмоний тарбия ва спортга бўлган меҳрни янада оширишдир. Бинобарин, рес-

рида иштирок этиб, 6 та олтин, 5 та кумуш ва 10 та бронза медалига сазовор бўлди. Бу борадаги ютуқлар кўлами янада кенгайиши, шубҳасиз. Боиси, Президентимизнинг 2013 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда

(50 метрдан — 1609 метргача бўлган) масофаларга югуришди. Бундан ташқари, бокс, таэквондо (WTF), дзюдо, велоспорт, стол тенниси, енгил атлетика ва камондан ўқ отиш турлари бўйича беллашувлар уюштирилди. — Ёшлигимдан спортга қизиқман, — дейди Тошкент педагогика коллежи 2-курс ўқувчиси Наврўза Толипова. — Аввалига кик-боксинг билан шуғулландим. Кейин камондан ўқ отиш спорт турига меҳрим тушиб қолди. Айна пайтда ушбу йўналишдаги тўғрақларга бориб, маҳоратимни ошираётганман. Мазкур та-

дбир иштирокчиси Муродхўжа Муродов. — Танловнинг веб-ишланмалар йўналиши бўйича голибликни қўлга киритишимда мазкур таълим масканида эгаллаган билим ҳамда кўникмаларим асқатди. Тақдим этган лойиҳам ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилди. Ушбу веб-сайт савол-жавоблар базасига эга бўлиб, ундан фойдала-



публикамизда ҳам истиқлолнинг илк йиллариданоқ ушбу масалага устувор йўналишлардан бири сифатида алоҳида аҳамият қаратиляпти. Албатта, эзгу вазифаларни рўёбга чиқаришга 1992 йил 21 январь куни ташкил қилинган Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳам ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келаётир. Зеро, ўтган давр мобайнида ташкилот олимпияда спорт турларини оммалаштириш, иқтидорли ёшларни кашф этиб, уларни қўллаб-қувватлаш, спортчиларнинг тўрт йилликнинг энг нуфузли мусобақаси ҳисобланган олимпия ўйинларида муносиб қатнашишини таъминлашга яқин кўмакдош эканлигини аққол намён қилди. Пировардида истиқлол йилларида спортчиларимиз 5 бор ёзги ва 6 маротаба қишки Олимпиада ўйинла-

рида ҳам яна бир бор ўз интилишларини имтиҳондан ўтказиб олдим. Натижалар яхши. Келажакда Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия институтига ўқишга кириб, етук педагог бўлмоқчиман. Яқунда «Олимпия кўни» айёмига келганлар Халқаро олимпия қўмитаси сертифициатлари билан тақдирланди. **Хасан МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.** Хасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Фарғонада вилоят ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида «Соғлом она ва бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида спорт фестивали ташкил этилди.

Хотин-қизлар фестивали

Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишлаб ўтказилган мазкур тадбирда уч юздан зиёд опа-сингилларимиз қатнашди. Таъкидланганидек, мамлакатимизда миллат генофондини мустаҳкамлаш, оналик ҳамда болаликни муҳофаза қилиш, аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини чуқур қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратиляпти. Бунинг самаралари ушбу ҳудуд мисолида ҳам яққол намёнбдир. Сабаби, у ерда айна пайтда 665 мингдан зиёд опа-сингилларимиз спорт билан мунтазам шуғулланаётир. Бунда вилоят миқёсида «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи», «Спорт маликаси», «Камолот» маликалари каби мусобақалар уюштириляётгани муҳим омил бўлмоқда. — Юртимизда аёл-

ларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун барча шарт-шароит яратиб берилган, — дейди Қўқон давлат педагогика институту қошидаги 1-академик лицей ўқитувчиси Нилуфар Абдуллаева. — Ҳайвон, касб эгаллайман, бизнес билан шуғулланман, спортга ошно тутинаман, деган хотин-қиз борки, ҳаммасининг орзулари рўёбга чиқаяпти. Биз учун бундан ортқ бахт йўқ. Бу галги фестивалда қатнашиб, маданий ҳордиқ чиқариш бора-бора, саломатлигини мизни мустаҳкамладик, иштирокчилар билан дориламон кунларимиз шуқуҳи ҳақида суҳбат қурдик. Форум доирасида турли касб эгалари, уй бекалари сузиш, югуриш ҳамда волейбол каби спорт турлари бўйича ўзаро беллашдилар. Яқунда голиб ва совриндорлар тақдирланди.

Элёржон ЭҲСОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Навбатдаги турлар яқунланди



Пойтахтимизда шахмат бўйича XV Осиё чемпионати еттинчи ва саккизинчи турлари бўлиб ўтди. Терма жамоамиз етакчиси Рустам Қосимжонов еттинчи турда яна бир ҳамюртимиз Жаҳонгир Воҳидов билан дуранг ўйнади. Кейинги турда хитойлик Йи Веига қарши кечган партияда эса мағлубиятга учради. Айна пайтда унинг ҳисобида беш очко мавжуд. Кейинги босқичда Рустам хиндистонлик Мурали Хартикейанга қарши дونا суради. Хотин-қизлар ўртасида Гулруҳбегим Тоҳиржонова еттинчи турда хитойлик Ли Ксюйи билан муроса кўчасини тналади. Саккизинчи босқичда эса қозогистонлик Динара Саидваққоновага имкониятни бой берди. Шундай қилиб, Гулруҳбегим ҳисобидаги беш очко сақлаиб қолди. У тўққизинчи турда мўғулистонлик Мунгунтуй Батхунтуя билан ўйнади. Бахслар давом этмоқда.

С. ҚОСИМЖОНОВ тайёрлади.

Эртамининг ишончли ворислари

ТАНЛОВ

Гулистон шаҳрида «Юрт келажаги — 2016» республика кўрик-танловининг Сирдарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. Унда 287 нафар иқтидорли йигит-қиз журналистика, назм, наср, архитектура ҳамда интернет дизайни, амалий санъат каби жами 11 йўналиш бўйича ўзаро баҳс олиб борди. — Гулистон ахборот ва компьютер технологиялари касб-хунар коллежини тамомлаганман, — дейди

тадбир иштирокчиси Муродхўжа Муродов. — Танловнинг веб-ишланмалар йўналиши бўйича голибликни қўлга киритишимда мазкур таълим масканида эгаллаган билим ҳамда кўникмаларим асқатди. Тақдим этган лойиҳам ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини ошириш ва дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилди. Ушбу веб-сайт савол-жавоблар базасига эга бўлиб, ундан фойдала-

нувчилар 200 мингдан зиёд мавзулар бўйича батафсил маълумот олишлари мумкин. Тадбир ниҳоясида голиблар аниқланиб, диплом ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирланди. Энди улар кўрик-танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қиладилар.

Ш. АҲМАДАЛИЕВ.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

ASAKA BANK advertisement for 'Mustaqillik - 25' anniversary. Includes text: «АСАКА» банки миллий валютадаги қўйидаги муддатли янги омонат турини таклиф қилади. «МУСТАҚИЛЛИК - 25» Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 7 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг берилади. Шу билан бирга, «Асака» банки миллий валютада 28 турдаги ҳамда хорижий валютада 14 турдаги омонат турларини қулай шартларда таклиф этади. Омонатларни банкнинг барча филиалида расмийлаштириш мумкин. Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63. Table of branches and phone numbers.

INSONGA NAFA KELTIRISH — OLIIY BAXT advertisement. Includes text: «ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ» В РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ. Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши журналистика соҳасида. Материаллар «Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловида деб кўрсатилган ҳолда қўйидаги манзилга юборилиши лозим: Ўзбекистон Республикаси, 100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, 4-қават, 3-хона. Телефонлар: (0-371) 256-52-79, 252-21-18. E-mail: pressa@kasaba.uz

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 667. 113 851 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда. МҲАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона (0-371) 233-52-55; Котибият (0-371) 233-10-28; Эълолар (0-371) 232-11-15. МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев. Навбатчи — О. Файзиёв. Мусаҳҳих — С. Исмолов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.25 Топширилди — 22.30 1 2 3 4 5 6